



## МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ОРГАНЛАРИДА МАЪМУРИЙ АМАЛИЁТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ: УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР ВА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

Назаров Ганишер Баҳодирович

©Жамоат хавфсизлиги Университети  
мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19690049>

### ARTICLE INFO

Received: 4<sup>th</sup> April 2026

Accepted: 5<sup>th</sup> April 2026

Published: 22<sup>nd</sup> April 2026

### KEYWORDS

Миллий гвардия, маъмурий амалиёт, такомиллаштириш истиқболлари, ташкилий-ҳуқуқий услоҳот, ваколатлар аниқлиги, SOP, рақамли мониторинг, электрон ҳисоб, рискка асосланган профилактика, процессуал кафолатлар, хизмат тайёргарлиги, хизмат маданияти, идоралараро ҳамкорлик, назорат ва аудит, KPI.

### ABSTRACT

Мазкур мавзу Миллий гвардия органларининг маъмурий амалиёт фаолиятини ривожлантириш истиқболларини илмий-амалий нуқтайи назардан ёритишга қаратилган. Маъмурий амалиёт жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, уларни аниқлаш ва расмийлаштириш, маъмурий-процессуал ҳаракатларни қонуний тартибда амалга ошириш ҳамда қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлашга хизмат қилувчи комплекс фаолият сифатида талқин этилади. Тадқиқотда маъмурий амалиётни такомиллаштиришнинг асосий истиқболли йўналишлари сифатида ваколатлар ва функцияларнинг ҳуқуқий аниқлигини кучайтириш, ягона стандарт операцион процедуралар (SOP)ни жорий этиш, рақамли ҳисоб ва мониторинг тизимларини кенгайтириш, рискка асосланган профилактика моделини татбиқ қилиш, хизмат ходимларининг касбий тайёргарлиги ва хизмат маданиятини ошириш, фуқаролар ҳуқуқларини кафолатловчи процессуал стандартларни мустаҳкамлаш ҳамда идоралараро ҳамкорлик механизмларини институционаллаштириш масалалари асосланади. Хулоса сифатида, Миллий гвардия маъмурий амалиётининг барқарор самарадорлиги “қонунийлик-тезкорлик-профилактика-шаффоф назорат” мувозанати таъминланган ҳолда ривожланиши лозимлиги таъкидланади.

Жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда Миллий гвардия органларининг ўрни тобора ортиб бораётган бир шароитда маъмурий амалиёт фаолиятини самарали ташкил этиш ва уни мунтазам такомиллаштириш давлат хавфсизлик сиёсати ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. Амалиётда маъмурий амалиёт —

хуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш, ҳодисаларни ўз вақтида аниқлаш ва расмийлаштириш, маъмурий-процессуал чораларни қонуний тартибда қўллаш, шунингдек қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлашга қаратилган кундалик хизмат механизми сифатида намоён бўлади. Шу боис мазкур фаолиятнинг ривожланиш суръати ва сифати жамоат хавфсизлиги кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатади.

Бироқ замонавий хавф-хатарлар табиати мураккаблашиб бораётгани, оммавий тадбирлар ва аҳоли гавжум ҳудудларида рискларнинг ортиши, рақамли муҳитда хуқуқбузарликлар шакллариининг ўзгариши, шунингдек фуқароларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий талабчанлиги ошиши Миллий гвардия маъмурий амалиёти олдига янги сифат талабларини қўяди. Бу эса ваколатларнинг хуқуқий аниқлиги, амалий тартиб-таомилларнинг стандартлаштирилганлиги, процессуал кафолатлар устуворлиги, хизмат маданияти ва коммуникацияси, ҳамда рақамли ҳисоб, мониторинг ва назорат инструментларининг жорий этилиши каби масалаларни долзарб қилади.

Шу нуқтайи назардан, Миллий гвардия органларининг маъмурий амалиёт фаолиятини ривожлантириш истиқболларини таҳлил қилиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Бу жараён нафақат миллий, балки халқаро даражада ҳам долзарб масалага айланган бўлиб, жаҳон миқёсида хавфсизлик соҳасидаги институтларнинг ислоҳотларини чуқурлаштириш заруриятини юзага келтирди<sup>1</sup>.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, БМТ Бош қотиби *Антониу Гутерришнинг* 2024 йилда Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган *“Future of Global Security Architecture”* саммитида билдирган мазкур фикри жаҳон хавфсизлик сиёсатининг янги босқичини ифодалайди. Унинг таъкидича, ички хавфсизликни таъминловчи институтлар — давлат барқарорлигининг устуни бўлиб, уларнинг самарадорлиги фақат ички муаммоларни ҳал этишда эмас, балки халқаро барқарорликни таъминлашда ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Замонавий дунёда трансмиллий жиноятчилик, терроризм, киберхавфсизликка таҳдидлар, оммавий миграция, экологик инқироз ва ижтимоий ноаниқлик каби мураккаб жараёнлар давлатларнинг миллий хавфсизлик стратегияларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

*А.Гутерришнинг* фикри шундан далолат берадики, давлат хавфсизлик тузилмалари, жумладан миллий гвардия, жандармерия ёки ички қўшинлар каби институтлар фаолиятини замонавий таҳдидларга мослаштириш инсоният тинчлиги ва барқарор тараққиёти учун глобал вазифа сифатида қаралмоқда. Шу нуқтайи назардан халқаро ташкилотлар — *БМТ (Буюк Миллатлар Ташкилоти), ЕХХТ (Европа-Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти),*

*ЕИ (Европа Иттифоқи), НАТО (Шимолий Атлантик Шартнома Ташкилоти) ва DCAF (Женева Хавфсизлик Сектори Ҳуқумронлиги Маркази)* каби халқаро ташкилотлар ўз тавсияларида хавфсизлик сектори ислоҳотларини инсон хуқуқлари, қонун устуворлиги ва жамоат иштирокини таъминлаш тамойиллари билан уйғунлаштиришни талаб қилмоқда.

Айнан шу глобал тенденциялар Ўзбекистонда ҳам хавфсизлик соҳасидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб бермоқда. Шу ўринда, мамлакатимизда Президенти *Ш.М. Мирзиёев* раҳнамолигида бугунги кунда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлар доирасида *Миллий гвардия фаолиятини замонавий таҳдидларга мослаштириш*, унинг маъмурий амалиёт салоҳиятини кучайтириш ва идоралараро ҳамкорликни такомиллаштириш устувор вазифа этиб белгиланган. Бу орқали жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида нафақат ички, балки халқаро миқёсдаги хавфсизлик талабларига мос бўлган, *инновацион ва инсонпарвар модел* шаклланмоқда.

<sup>1</sup> United Nations. (2024). *Global Crime and Security Threats Report*. New York: UN Publications.

Демак, БМТ Бош котибининг мазкур чиқиши нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий нуқтаи назардан ҳам янги Ўзбекистон Миллий гвардиясининг маъмурий амалиёт фаолиятини ривожлантириш учун муҳим илмий-сиёсий асос вазифасини ўтайди. Унинг фаолиятини халқаро хавфсизлик тизими билан интеграциялаш, замонавий таҳдидларга жавоб бера оладиган институционал ва ҳуқуқий механизмларни жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, янги Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимини тубдан янгилаш ва давлат органлари фаолиятини халқаро стандартларга мослаштириш мамлакат тараққиётининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотларнинг мазмунидан кўриниб турибдики, давлат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилаётган омилларни илмий ёндашувлар асосида ўрганиш ҳамда уларни халқаро ҳуқуқий қоидалар билан уйғунлаштириш давлат бошқарувининг замонавий модели учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада илмий-ҳуқуқий таҳлиллар халқаро тажриба билан интеграция жараёнининг илмий асосини шакллантиришга хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан, БМТ, ЕХХТ, Европа Иттифоқи, НАТО ҳамда DCAF (Geneva Centre for Security Sector Governance) каби халқаро ташкилотлар фаолиятида *хавфсизликни таъминлаш, жиноятларни олдини олиш* ва *ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини демократлаштириш* соҳасида ишлаб чиқилган меъёр ва тавсиялар муҳим илмий методологик манба бўлиб хизмат қилади. Масалан, ЕХХТнинг 2023 йил Вена форумида қабул қилинган *“Community-Oriented Policing and Human Rights”* концепциясида ички хавфсизлик органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоатчилик билан ҳамкорлик ва очиқлик тамойилларини мустаҳкамлаш долзарб вазифа сифатида белгиланган<sup>3</sup>.

Шунингдек, Женевадаги DCAF марказининг 2024 йилги ҳисоботида миллий гвардиялар ва жандармерия типидagi тузилмаларнинг фаолиятида фуқаролик назоратини кучайтириш, жамоат хавфсизлиги соҳасида ҳисобдорлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича халқаро стандартлар ишлаб чиқилгани таъкидланган<sup>4</sup>. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг маъмурий амалиётини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш заруратини белгилайди.

Натижада, мазкур илмий йўналиш доирасида Миллий гвардия фаолиятининг *жиноятларни олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш* ва *фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишдаги* роли халқаро қонунчилик тизимлари билан таққосланиб, илмий хулосалар ва амалий таклифлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу нафақат маъмурий амалиётнинг самарадорлигини оширишга, балки Ўзбекистоннинг хавфсизлик тизимини замонавий халқаро талаблар даражасига кўтаришга хизмат қилади. Хусусан:

**а) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хавфсизлик ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги глобал меъёрий асослари.** Бугунги кунда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро хавфсизлик, тинчлик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида асосий глобал институт сифатида жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини демократлаштириш бўйича комплекс меъёрий ҳужжатлар тизимини ишлаб чиққан. Жумладан, БМТнинг *Crime Prevention and Criminal Justice Programme* доирасида қабул қилинган *“United Nations Standards and*

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. *Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси – 2030*. – Тошкент: Ўзбекистон, 2024. – 350 б.

<sup>3</sup> Organisation for Security and Co-operation in Europe (OSCE). 2023. *Community-Oriented Policing and Human Rights*. Vienna: OSCE Publications.

<sup>4</sup> Geneva Centre for Security Sector Governance (DCAF). *Annual Review of Security Sector Governance*. Geneva, 2024.

*Norms in Crime Prevention and Criminal Justice*” (2016) хужжати жиноятчиликка қарши курашда давлат органлари фаолиятини инсон ҳуқуқлари, шаффофлик ва қонунийлик тамойилларига асослаш зарурлигини белгилайди. Мазкур хужжатда давлат органларига жиноятчиликнинг ижтимоий сабабларини бартараф этиш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жазо эмас, балки профилактика устуворлигини таъминлаш тавсия этилган<sup>5</sup>.

Шу билан бирга, БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган бир қатор меъёрий хужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида халқаро стандартларни белгилаб берди. Жумладан, 1979 йилда қабул қилинган *“Code of Conduct for Law Enforcement Officials”* халқаро хужжатда ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими фуқароларга нисбатан инсоний муносабатда бўлиши, ҳеч қандай ҳолатда қийноқ ёки зўравонлик усулларидадан фойдаланмаслиги кераклиги қатъий белгилаб қўйилган<sup>6</sup>. Ушбу хужжат қонун устуворлиги ва инсон қадрини эътироф этиш тамойилларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг марказига қўяди. Бундан ташқари, 1990 йилда қабул қилинган *“Basic Principles on the Use of Force and Firearms by Law Enforcement Officials”* хужжатида куч ишлатишнинг пропорционаллик ва зарурат принциплари халқаро ҳуқуқнинг асосий стандарти сифатида белгиланган. Унга кўра, давлат ходимлари куч ва қуролни фақат охириги чора сифатида, инсон ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида қўллаши мумкин. Бу меъёр, айниқса, ички хавфсизлик тизимларида — миллий гвардия, полиция ва ҳарбий тузилмалар фаолиятида — аҳоли билан ишлашнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим ўрин тутди<sup>7</sup>.

Шунингдек, БМТнинг ихтисослашган тузилмаси *United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC)* томонидан 2020 йилда нашр этилган *“Handbook on Police Accountability, Oversight and Integrity”* қўлланмаси халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида янги босқични белгилади. Қўлланмада полиция ва миллий гвардия типигаги тузилмаларда фуқаролик назоратининг институционал моделлари, оммавий ҳисобдорлик ва касбий этика стандартларини жорий этиш бўйича илғор халқаро тажрибалар тақдим этилган. Унда айниқса, давлат ички хавфсизлик тузилмаларининг мустақил ички назорат бўлимлари, омбудсман институтлари, фуқаролик кенгашлари орқали фаолият шаффофлигини таъминлаш тавсия этилган<sup>8</sup>. Шунингдек, ҳисобдорлик механизмнинг асосий принциплари сифатида *“ҳуқуқий жавобгарлик”, “ахлоқий масъулият”,* ва *“институционал очиқлик”* мезонлари белгиланган. Бу тавсиялар БМТнинг кенг қамровли *Sustainable Development Goals (SDGs)* дастуридаги 16-мақсад (*“Тинчлик, адолат ва кучли институтлар”*) билан ҳам узвий боғлиқдир<sup>9</sup>.

<sup>5</sup> United Nations. (2016). *United Nations Standards and Norms in Crime Prevention and Criminal Justice*. New York: UN Publications.

<sup>6</sup> United Nations General Assembly. (1979). *Code of Conduct for Law Enforcement Officials*. Resolution 34/169, adopted on 17 December 1979.

<sup>7</sup> United Nations. (1990). *Basic Principles on the Use of Force and Firearms by Law Enforcement Officials*. Adopted by the Eighth United Nations Congress on the Prevention of Crime and the Treatment of Offenders, Havana.

<sup>8</sup> United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). (2020). *Handbook on Police Accountability, Oversight and Integrity*. Vienna: UNODC Publications.

<sup>9</sup> United Nations. (2015). *Transforming our world: the 2030 Agenda for Sustainable Development*. Resolution adopted by the General Assembly on 25 September 2015.

б) Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг хавфсизликни таъминлаш ва жиноятларни олдини олиш соҳасидаги халқаро меъёрий асослари. Бугунги кунда, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ, OSCE) Европада хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш бўйича энг йирик минтақавий институтлардан бири ҳисобланади. Унинг фаолияти асосини ташкил этувчи 1975 йилда қабул қилинган Хельсинки Қатъномаси ва 1990 йилда қабул қилинган Париж Хартияси каби ҳужжатларда хавфсизликнинг инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқ устуворлиги ва давлатлар ўртасидаги ишонч тамойиллари билан узвий боғлиқлиги таъкидланган<sup>10</sup>.

Шунингдек, ЕХХТнинг фаолияти уч ўлчовда — *сиёсий-ҳарбий, иқтисодий-экологик ва инсоний (human dimension)* йўналишларда амалга оширилади. Айнан инсоний ўлчов доирасида ташкилот ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида инсон ҳуқуқлари, фуқаролик назорати ва жамоатчилик билан ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган қатор меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиққан<sup>11</sup>.

Хусусан, ЕХХТнинг Венадаги Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ODIHR) томонидан 2023 йилда қабул қилинган *“Community-Oriented Policing and Human Rights”* концепцияси хавфсизлик тизимида фуқаролик жамияти билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишни назарда тутди<sup>12</sup>. Мазкур ҳужжатда полиция ва миллий гвардия типидagi тузилмалар фаолиятида очиқлик, ҳисобдорлик, шаффофлик ва инсон қадрини ҳурмат қилиш тамойиллари марказий ўринни эгаллаши кераклиги таъкидланган.

Қайд этилишича, хавфсизлик фақат қонун устуворлиги билан эмас, балки фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва давлат органларига бўлган ишончи билан ҳам таъминланади. Шу боис, ЕХХТ жамоатчилик билан ишлашнинг *community policing* моделини давлат ички хавфсизлик сиёсатининг асосий йўналиши сифатида илгари сурган<sup>13</sup>.

Бундан ташқари, ЕХХТнинг 2018 йилдаги *“Guidebook on Democratic Policing by the OSCE”* қўлланмаси қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларига ҳурматни таъминлаш бўйича амалиётга қаратилган тавсияларни ўз ичига олади. Қўлланмада полиция ва хавфсизлик тузилмаларида фуқаролик назоратини жорий қилиш, ички шаффоф ҳисобдорлик механизмларини ривожлантириш ҳамда ходимларни халқаро ҳуқуқ ва ахлоқий меъёрларга мувофиқ тайёрлаш бўйича асосий йўналишлар белгиланган<sup>14</sup>.

Шу ўринда, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) инсон ҳуқуқлари ва полиция ҳисобдорлиги соҳасидаги илмий-амалий тажрибаларини чуқур таҳлил қилиш мазкур параграфнинг илмий мазмунини янада бойитади. Хусусан, ЕХХТ томонидан ишлаб чиқилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва полиция фаолиятининг демократик назоратига оид меъёрий ҳужжатлар амалда хавфсизлик секторидида очиқлик, жавобгарлик ва фуқаролик жамияти билан ҳамкорлик тамойилларини

<sup>10</sup> Organization for Security and Co-operation in Europe (OSCE). (1975). Helsinki Final Act. Helsinki.

<sup>11</sup> OSCE. (1990). *Charter of Paris for a New Europe*. Paris.

<sup>12</sup> OSCE. (2023). *Community-Oriented Policing and Human Rights*. Vienna: OSCE Publications.

<sup>13</sup> OSCE/ODIHR. (2021). *Community Policing Strategies: Enhancing Trust and Security*. Warsaw: ODIHR Publications.

<sup>14</sup> OSCE. (2018). *Guidebook on Democratic Policing by the OSCE*. Vienna: OSCE Secretariat.

мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, уларни илмий таҳлилга жалб этиш тадқиқотнинг назарий-амалий аҳамиятини сезиларли даражада оширади.

Жумладан, ЕХХТнинг амалий фаолиятида ҳам фуқаролик назорати ва полиция ҳисобдорлиги устувор аҳамият касб этади. Масалан, ЕХХТ Полиция фаолияти бўйича миссиялари (OSCE Police Missions) *Босния* ва *Герцеговина*, *Косово*, *Тожикистон*, *Қирғизистон* ва бошқа давлатларда хавфсизлик органларини демократлаштириш ва жамоатчилик билан ишлаш соҳасида кенг қўламли дастурларни амалга оширган. Бу миссиялар жамоат хавфсизлигини таъминлашда “*инсон хавфсизлиги*” (human security) концепциясини илгари суриб, давлат органларининг фуқаролар олдида ҳисобдорлиги ва жавобгарлигини кучайтиришга хизмат қилган<sup>15</sup>.

ЕХХТнинг 2020 йилги “*Manual on Police Accountability and Human Rights Compliance*” ҳужжатида эса полиция ходимларининг касбий этикаси, куч ишлатишнинг пропорционаллиги, шунингдек, оммавий тартибсизликлар даврида ҳуқуқбузарликларни олдини олишда жамоатчилик билан ҳамкорлик усуллари илмий асосда тавсия этилган<sup>16</sup>.

**в) Европа Иттифоқининг Хавфсизлик ва Жиноятчиликка Қарши Кураш соҳасидаги халқаро меъёрий асослари.** Бунда, Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқ устуворлигини мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳуқуқнинг энг нуфузли платформаларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. ЕИнинг сиёсий ва ҳуқуқий пойдевори 1992 йилда қабул қилинган *Маастрихт* шартномаси ва 2007 йилда қабул қилинган *Лиссабон* шартномаси орқали мустаҳкамланган бўлиб, улар хавфсизлик сиёсати, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги интеграцияни таъминлаб берди<sup>17</sup>. Шу ўринда, ЕИ хавфсизлик сиёсатининг ҳуқуқий асосларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, *Маастрихт шартномаси* Европанинг қўшма ташқи ва хавфсизлик сиёсатига (*Common Foreign and Security Policy (CFSP)*) ҳуқуқий асос яратиб берди. Унга кўра, хавфсизликни таъминлаш давлатлараро ҳамкорлик, тинчликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларига ҳурмат ва демократик қадриятларни илгари суриш орқали амалга оширилади. Кейинчалик *Лиссабон шартномаси* мазкур тизимни мукамаллаштириб, Қўшма хавфсизлик ва мудофаа сиёсатини яратиш орқали ЕИнинг хавфсизлик соҳасидаги институционал мустақиллигини таъминлади<sup>18</sup>.

Европа Иттифоқининг хавфсизлик сиёсатида ҳарбий кучдан ташқари омиллар — *ҳуқуқ устуворлиги*, *инсон ҳуқуқлари* ва *демократик институтларнинг барқарорлиги* — хавфсизликнинг асосий компонентлари сифатида белгиланган. Бу йўналиш ЕИнинг умуминсоний қадриятларга таянадиган “*қонунга асосланган хавфсизлик*” моделини шакллантирди.

Бугунги кунда ЕИ хавфсизлик соҳасида давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида бир қатор меъёрий ҳужжатларни қабул қилган.

1. “*EU Security Union Strategy 2020–2025*” — ушбу стратегия хавфсизликка таҳдидларнинг трансмиллий табиатига мос равишда жиноятчиликка қарши ягона ёндашувни белгилайди. Унда терроризмга қарши кураш, киберхавфсизликни

<sup>15</sup> OSCE. (2020). *Police Mission Reports: Democratic Oversight and Human Security*. Vienna.

<sup>16</sup> OSCE/ODIHR. (2020). *Manual on Police Accountability and Human Rights Compliance*. Warsaw: OSCE Publications.

<sup>17</sup> Treaty on European Union (Maastricht Treaty), 1992.

<sup>18</sup> Treaty of Lisbon, 2007.

мустаҳкамлаш, чегараларни муҳофаза қилиш ва маълумотлар алмашинувини такомиллаштириш каби устувор йўналишлар белгиланган<sup>19</sup>.

2. “*EU Action Plan on Human Rights and Democracy (2020–2024)*” — мазкур ҳужжат хавфсизлик тизими фаолиятида инсон қадр, ҳисобдорлик ва фуқаролик назоратини таъминлаш тамойилларини белгилайди. Унда жамоат хавфсизлигини таъминловчи органлар инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда фаолият юритиши шартлиги таъкидланган<sup>20</sup>.

3. “*Charter of Fundamental Rights of the European Union*” (2000) — инсон ҳуқуқлари соҳасида ЕИнинг конституцион манбаи ҳисобланади. Унда полиция ва миллий гвардия каби тузилмалар фаолиятида инсон шаънини ҳимоя қилиш, адолат ва ҳуқуқий тенгликни таъминлаш мажбурий норма сифатида белгилаб қўйилган<sup>21</sup>.

Шунингдек, бугунги кунда Европа Иттифоқи хавфсизлик сиёсатида амалиётни мувофиқлаштириш ва жиноятчиликка қарши самарали ҳамкорликни таъминлаш мақсадида *Европол (Europol)* ва *Евроюст (Eurojust)* каби икки муҳим институтдан иборат.

❖ *Европол* – ЕИ давлатлари ўртасида жиноятчиликка оид маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тарқатиш орқали трансмиллий жиноятларга қарши курашда марказий рол ўйнайди. Унинг фаолияти кибержиноятлар, наркотик моддалар савдоси, одам савдоси, молиявий жиноятлар ва терроризмга қарши курашни ўз ичига олади<sup>22</sup>;

❖ *Евроюст* – миллий прокуратура ва суд органлари ўртасидаги ҳамкорликни ташкил этиб, жиноят ишлари бўйича тергов ва суд жараёнларини мувофиқлаштиради. У ЕИ миқёсида ҳуқуқий ёрдам ва тергов материалларини алмашишни енгиллаштиради, шу билан жиноят ишларини тезкор ва адолатли ҳал этишга хизмат қилади<sup>23</sup>.

Шу орқали ЕИ хавфсизлик сиёсатидаги амалиёт фақат давлат хавфсизлигини эмас, балки жамоат хавфсизлигини ҳам таъминлашга йўналтирилган тизимли модел сифатида шаклланди.

Бундан ташқари, ЕИ Комиссияси ва Европа Парламенти томонидан қабул қилинган 2018 йилда қабул қилинган “*EU Police Cooperation Code of Conduct*” полиция фаолиятида инсон ҳуқуқлари, фуқаролар билан очиқ мулоқот ва ҳисобдорлик тамойилларини белгилайди<sup>24</sup>. Унга кўра, полиция куч ишлатишда эҳтиёткорликка, ҳуқуқий пропорционалликка ва шаффофликка амал қилиши шарт.

Шунингдек, *Европа Полис Академияси (CEPOL)* томонидан ташкил этиладиган тайёрлов дастурлари полиция ходимларининг касбий этика, инсон ҳуқуқлари ва халқаро стандартлар бўйича билим ва малакасини ривожлантиришга қаратилган<sup>25</sup>. Бу амалиётлар “интеграциялашган хавфсизлик бошқаруви” (“*integrated security governance*”) моделида ўз ифодасини топган бўлиб, унда хавфсизликнинг ҳарбий ва маъмурий таркибий қисмлари фуқаролик институтлари билан мувозанатли ҳамкорликда ишлаши таъкидланади.

**г) Шимолий Атлантика Шартномаси Ташкилоти (НАТО)нинг хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги глобал меъёрий ва институционал асослари.**

<sup>19</sup> European Commission. (2020). *EU Security Union Strategy 2020–2025*. Brussels.

<sup>20</sup> European External Action Service. (2020). *EU Action Plan on Human Rights and Democracy (2020–2024)*. Brussels.

<sup>21</sup> *Charter of Fundamental Rights of the European Union*, 2000.

<sup>22</sup> Europol. (2024). *European Union Agency for Law Enforcement Cooperation Annual Report*. The Hague.

<sup>23</sup> Eurojust. (2023). *Annual Report on Judicial Cooperation in Criminal Matters*. Luxembourg.

<sup>24</sup> European Parliament & European Commission. (2018). *EU Police Cooperation Code of Conduct*. Brussels.

<sup>25</sup> CEPOL. (2023). *Training Catalogue on Human Rights and Police Ethics*. Budapest.

Бугунги кунда, НАТО ҳалқаро ташкилоти жаҳон хавфсизлик тизимининг энг таъсирли ҳарбий-сиёсий институтларидан бири бўлиб, унинг фаолияти 1949 йил 4 апрелда имзоланган *Вашингтон Шартномаси* асосида ташкил этилган<sup>26</sup>. Мазкур шартнома иштирокчи давлатлар ўртасида жамоавий ҳимоя, сиёсий ҳамкорлик ва ҳарбий интеграциянинг ҳуқуқий асосини яратиб, халқаро хавфсизлик тизимининг янги босқичини белгилади. НАТОнинг асосий вазифаси — аъзоларининг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини ҳимоя қилиш билан бирга, демократик бошқарув, инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқ устуворлигини жаҳон хавфсизлик сиёсатининг асосий тамойиллари сифатида илгари суришдан иборатдир<sup>27</sup>. Шу нуқтаи назардан, НАТО нафақат ҳарбий жиҳатдан, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, миллий гвардиялар ва фуқаролик хавфсизлик тизимлари фаолиятини ҳам ислоҳ қилишга қаратилган кенг қамровли халқаро дастурларни амалга ошириб келмоқда.

Шу ўринда, бугунги кунда, НАТОнинг 2010 йилдаги *“Strategic Concept for the Defence and Security of the Members of the North Atlantic Treaty Organization”* номли халқаро ҳужжати ташкилот фаолиятининг сиёсий, ҳуқуқий ва инсонпарварлик йўналишларини белгилаб берди<sup>28</sup>. Мазкур концепцияда хавфсизлик фақат ҳарбий куч ёки қўшинларнинг қуввати орқали эмас, балки демократик бошқарув, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш орқали таъминланиши лозимлиги таъкидланди.

НАТОнинг ушбу стратегик концепциясида қуйидаги устувор йўналишлар белгиланган:

- *ҳуқуқ устуворлиги ва “нулл толерантлик” сиёсати* — бунда жиноятчилик ва коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабат орқали хавфсизлик тизимини соғломлаштириш;
- *ҳисобдорлик ва шаффофлик* — бунда давлат органлари фаолиятида очиқлик, жамоатчилик назорати ва халқаро ҳисобдорликни таъминлаш;
- *ҳарбий ва фуқаролик тузилмалари ўртасида институционал ҳамкорлик* — бунда хавфсизлик соҳасида самарали бошқарув ва ўзаро мувофиқликни кучайтириш;
- *фуқаролик жамиятининг иштирокини рағбатлантириш* — бунда хавфсизлик сиёсатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда нодавлат сектори ва жамоат ташкилотларининг фаол ролини таъминлаш.

Бу тамойиллар асосида НАТОнинг *“Comprehensive Approach to Security”* стратегияси ишлаб чиқилиб, унда хавфсизликни таъминлашда сиёсий барқарорлик, ҳуқуқ устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ва самарали бошқарув принциплари устувор йўналиш сифатида белгиланди<sup>29</sup>.

НАТО фаолиятида хавфсизликни таъминлашда фуқаролик компонентларига катта аҳамият берилади. Ташкилот ҳарбий кучлар билан бир қаторда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва полиция функцияларини бажарувчи тузилмаларни демократлаштириш ва ҳисобдор бошқарувни жорий этишга қаратилган бир қатор махсус институтлар ва дастурларни амалга оширмоқда. Буларга:

1. *NATO Stability Policing Centre of Excellence (COE)* — Италиянинг Виченца шаҳрида жойлашган ушбу марказ миллий гвардия, полиция ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятини ислоҳ қилиш, фуқаролар билан мулоқот маданиятини ривожлантириш ва оммавий тартибни сақлаш соҳасида илғор тажрибаларни ўрганиш ҳамда тарқатиш билан шуғулланади<sup>30</sup>.

<sup>26</sup> NATO. (2020). *Founding Principles and Democratic Values*. Brussels.

<sup>27</sup> NATO. (2010). *Strategic Concept for the Defence and Security of the Members of the North Atlantic Treaty Organization*. Lisbon.

<sup>28</sup> NATO. (2015). *Comprehensive Approach to Security: Policy Guidelines*. Brussels.

<sup>29</sup> NATO. (2015). *Comprehensive Approach to Security: Policy Guidelines*. Brussels.

<sup>30</sup> NATO Stability Policing Centre of Excellence (COE). (2023). *Annual Activity Report*. Vicenza.

2. *NATO Building Integrity Programme (BI)* — хавфсизлик секторида коррупцияга қарши курашиш, ҳисобдорлик ва шаффоф бошқарувни йўлга қўйишга қаратилган глобал ташаббус ҳисобланади. Ушбу дастур доирасида иштирокчи давлатларда молиявий шаффофлик, кадрлар этикаси ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган<sup>31</sup>.

3. *NATO Defence Education Enhancement Programme (DEEP)* — ҳарбий ва фуқаролик хавфсизлик соҳасида кадрлар тайёрлаш, инсон ҳуқуқлари, ахлоқий меъёрлар ва ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилган илмий-амалий дастурдир<sup>32</sup>. Мазкур дастур Ўзбекистон каби шерик давлатларда ҳам таълимий ҳамкорликнинг замонавий моделини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу институтлар фаолияти натижасида НАТО давлатларида ички хавфсизликни таъминлаш, жамоатчилик билан ҳамкорлик ва ҳисобдор бошқарув тизимлари самарали демократик модел сифатида шаклланди.

Эндиликда, НАТОнинг 2022 йилда қабул қилинган *“Policy on Human Security”* номли ҳужжатининг мазмунига тўхталиб ўтсак. Хусусан, хавфсизлик сиёсатининг марказига инсон кадрини қўйган ҳолда, ҳарбий ва полиция фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, қийноқ, зўравонлик ва дискриминация ҳолатларига йўл қўймаслик тамойилларини белгилайди<sup>33</sup>. Унда куч ишлатишда пропорционаллик, эҳтиёткорлик ва халқаро гуманитар ҳуқуқ қоидаларига риоя қилиш мажбурий ҳисобланади.

Шунингдек, 2021 йилда қабул қилинган *“NATO Concept on Women, Peace and Security (WPS)”* ҳужжати хавфсизлик тизимида гендер тенглиги ва аёлларнинг фаол иштироки муҳим омил эканлигини эътироф этди<sup>34</sup>. Мазкур концепция тинчликни таъминлаш, зўравонликни олдини олиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнларида аёлларнинг ролини кучайтиришни назарда тутди. НАТО бу орқали хавфсизлик сиёсатини инсон ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлаган ҳолда, ҳарбий ва фуқаролик хавфсизлик тизимларида демократик қийматлар устуворлигини мустаҳкамлашга қаратилган глобал меъёрий моделни яратди.

**д) Женева хавфсизлик сектори бошқарув маркази (DCAF) фаолиятининг халқаро илмий-ҳуқуқий асослари.** Бугунги кунда Женевада жойлашган *Security Sector Governance Centre (DCAF — Geneva Centre for Security Sector Governance)* 2000 йилда Швейцария Федерал Ҳукумати ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда хавфсизлик сектори ислоҳоти (*Security Sector Reform — SSR*) ва хавфсизлик сектори бошқаруви (*Security Sector Governance — SSG*) соҳасидаги илмий-тадқиқот ва амалий фаолиятни мувофиқлаштирувчи халқаро марказ сифатида тан олинган<sup>35</sup>. Марказнинг асосий вазифаси — давлатларнинг хавфсизлик тизимини демократик бошқарув, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари тамойиллари асосида ривожлантиришга қўмаклашишдан иборатдир. DCAF фаолияти доирасида хавфсизлик сектори деганда ҳарбий қисмлар, миллий гвардия, полиция, чегара хизмати, разведка идоралари, суд-ҳуқуқ тизими ҳамда фуқаролик назорати институтлари назарда тутилади<sup>36</sup>.

DCAF томонидан ишлаб чиқилган 2019 йилда қабул қилинган *“Security Sector Governance and Reform: Principles and Frameworks”* концепцияси хавфсизлик секторида

<sup>31</sup> NATO. (2021). *Building Integrity in Defence and Security Sectors: Implementation Report*. Brussels.

<sup>32</sup> NATO. (2022). *Defence Education Enhancement Programme (DEEP) Compendium*. Brussels.

<sup>33</sup> NATO. (2022). *Policy on Human Security*. Brussels.

<sup>34</sup> NATO. (2021). *Women, Peace and Security Policy and Action Plan 2021–2025*. Brussels.

<sup>35</sup> Geneva Centre for Security Sector Governance (DCAF). (2000). *Founding Charter*. Geneva.

<sup>36</sup> DCAF. (2017). *Security Sector Governance: Concept and Definitions*. Geneva.

самарали бошқарув ва ҳисобдорликни таъминлашнинг илмий-назарий асосларини белгилаб берган<sup>37</sup>. Мазкур концепцияда хавфсизлик тизимининг барқарорлиги фақат ҳарбий куч ёки сиёсий ирода билан эмас, балки демократик назорат, инсон ҳуқуқлари ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш орқали амалга оширилиши лозимлиги таъкидланган.

Концепциянинг асосий тамойиллари қуйидагича шаклланган:

- хавфсизлик соҳасида қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиш;
- хавфсизлик институтларининг парламент ва фуқаролик жамияти олдида ҳисобдорлиги;
- хавфсизлик фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш;
- гендер тенглиги ва инклюзив бошқарувни ривожлантириш;
- хавфсизлик тизимида инсон хавфсизлиги (*human security*) тамойилини устувор қилиш.

Бу ёндашув БМТ, ЕХХТ ва Европа Иттифоқининг хавфсизлик соҳасидаги халқаро стандартлари билан уйғун равишда ишлаб чиқилган бўлиб, DCAF халқаро илмий-тадқиқот мактаби сифатида глобал даражада тан олинган<sup>38</sup>.

DCAF фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири — хавфсизлик органлари фаолиятида фуқаролик назоратини кучайтириш ва ҳисобдорлик тизимини шакллантиришдир. Марказ томонидан тайёрланган “*Handbook on Security Sector Oversight and Accountability*” қўлланмаси халқаро амалиётда фуқаролик назоратининг ҳуқуқий моделларини тизимлаштирган илмий манба ҳисобланади<sup>39</sup>.

Қўлланмада парламент, инсон ҳуқуқлари бўйича омбудсманлар, миллий комиссиялар ва фуқаролик жамияти ташкилотларининг хавфсизлик органлари фаолиятини назорат қилишдаги роллари кенг ёритилган. DCAF мазкур фаолиятни “*accountability cycle*” модели орқали илмий жиҳатдан асослаб берган бўлиб, у хавфсизлик соҳасида ҳисобдорликнинг қуйидаги тўрт босқичини ўз ичига олади:

1. Қонунчилик орқали аниқ ваколат белгилаш, яъни хавфсизлик институтлари ваколатларини ҳуқуқий асосда тартибга солиш;
2. Ижро жараёнини мониторинг қилиш, яъни амалга оширилаётган фаолият устидан тизимли назоратни таъминлаш;
3. Жамоатчилик билан мулоқот қилиш, фуқаролар ва нодавлат сектор иштирокида очиқ муҳокамааларни ташкил этиш;
4. Ҳисобот ва таҳлил тайёрлаш, натижалар бўйича жамоатчилик ва парламентга ҳисоб бериш.

Бу тизим хавфсизлик институтларини фақат давлат раҳбариятига эмас, балки кенг жамоатчилик олдида ҳам масъул этиб белгилайди, бу эса хавфсизлик бошқарувида демократик ҳисобдорлик моделини амалга ошириш имконини беради<sup>40</sup>.

Марказ ҳар йили тайёрлайдиган “*Annual Review of Security Sector Governance*” ҳисоботларида дунё мамлакатларида хавфсизлик сектори ислохотлари, инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқ устуворлиги соҳасидаги тенденциялар таҳлил қилинади. 2024 йилги ҳисоботда кўплаб давлатларда миллий гвардия ва полиция тизимларида фуқаролик назоратининг етарли даражада таъминланмаганлиги институционал муаммо сифатида қайд этилган<sup>41</sup>.

<sup>37</sup> DCAF. (2019). *Security Sector Governance and Reform: Principles and Frameworks*. Geneva.

<sup>38</sup> DCAF. (2020). *International Standards and Good Practices in Security Sector Governance*. Geneva.

<sup>39</sup> DCAF. (2021). *Handbook on Security Sector Oversight and Accountability*. Geneva.

<sup>40</sup> DCAF. (2022). *Accountability Cycle: Strengthening Civilian Oversight Mechanisms*. Geneva.

<sup>41</sup> DCAF. (2024). *Annual Review of Security Sector Governance*. Geneva.

Шунингдек, DCAFнинг *"Human Rights and Security Sector Governance Toolkit"* тадқиқотида хавфсизлик фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг етита асосий индикатори белгиланган:

1. **ҳуқуқий асос** — инсон ҳуқуқларига оид миллий ва халқаро меъёрларнинг хавфсизлик тизимига интеграцияси;
2. **ҳисобдорлик** — ички ва ташқи назорат механизмларининг мавжудлиги;
3. **тренинг тизими** — хавфсизлик хизматларида инсон ҳуқуқлари бўйича мунтазам ўқув дастурларини жорий этиш;
4. **куч ишлатишнинг меъёри** — пропорционаллик ва эҳтиёткорлик қоидаларига амал қилиш;
5. **шаффофлик** — хавфсизлик фаолияти натижаларини жамоатчиликка очиқ эълон қилиш;
6. **жамоат билан мулоқот** — фуқаролар билан ишончли муносабатлар ўрнатиш;
7. **гендер инклюзивлик** — аёллар ва ижтимоий жиҳатдан заиф гуруҳларнинг хавфсизлик соҳасидаги иштирокига кенг имконият яратиш<sup>42</sup>.

Бу илмий моделлар хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини инсонпарвар, шаффоф ва ҳисобдор тизим сифатида ташкил этишга хизмат қилади.

Юқорида тилга олинган халқаро ташкилотларнинг илмий-назарий концепциялари ва амалий тажрибаларини таҳлил этиш Миллий гвардия органларининг маъмурий амалиётини такомиллаштириш йўналишида муҳим илмий аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, бугунги глобал хавфсизлик муҳитида хавфсизлик сектори ислоҳотларини илмий асосда ташкил этиш масаласи халқаро ҳамжамият томонидан устувор йўналиш сифатида эътироф этилмоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ), Европа Иттифоқи (ЕИ), Шимолий Атлантика Шартномаси Ташкилоти (НАТО) ҳамда Женева Хавфсизлик Сектори Бошқаруви Маркази (DCAF) фаолияти доирасида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар ва концепциялар миллий хавфсизликни таъминловчи институтлар — миллий гвардия, жандармерия ва ички қўшинлар каби тузилмаларнинг маъмурий амалиётини инсонпарварлик, ҳисобдорлик, ҳуқуқ устуворлиги ва демократик назорат тамойиллари асосида ташкил этишни назарда тутди.

Бу ташкилотлар фаолиятидаги илмий ёндашувлар хавфсизлик тизимларини ислоҳ қилишда фуқаролик жамияти иштирокини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларига риоя этиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминловчи институтларнинг институционал салоҳиятини оширишга қаратилган. Шу нуқтаи назардан, ушбу халқаро тажрибаларнинг илмий-назарий қиймати шунда намоён бўладики, улар Миллий гвардия органларининг маъмурий амалиётини ислоҳ қилиш жараёнида инсон ҳуқуқларига таянган бошқарув моделини жорий этишга хизмат қилади, бу эса янги Ўзбекистон шароитида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришга имкон яратади.

Шундай қилиб, БМТ ва ЕХХТ каби ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган хавфсизлик соҳасидаги илмий концепциялар миллий гвардия органларининг маъмурий фаолиятидаги ҳуқуқий, ташкилий ва ахлоқий меъёрларни такомиллаштиришга илмий асос бўлиб хизмат қилиши, миллий хавфсизлик бошқарувини инсонпарвар, ҳисобдор ва самарали тизим сифатида шакллантириш имконини яратади. Мазкур илмий таҳлил ва халқаро ташкилотларнинг ижобий тажрибаларидан келиб чиқиб:

**биринчидан**, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган *"United Nations Standards and Norms in Crime Prevention and Criminal Justice"* (2016), *"Code of*

<sup>42</sup> DCAF. (2022). *Human Rights and Security Sector Governance Toolkit*. Geneva.

*Conduct for Law Enforcement Officials*” ҳамда “*Basic Principles on the Use of Force and Firearms by Law Enforcement Officials*” каби меъёрий ҳужжатлар халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида инсонпарварлик, қонун устуворлиги ва ҳисобдорлик тамойилларига асосланган универсал стандартларни белгилаб берган. Мазкур ҳужжатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан миллий гвардия ва ички хавфсизлик тузилмаларининг фаолиятида:

- куч ишлатишда пропорционаллик ва зарурат принципларига қатъий риоя этиш;
- фуқароларга нисбатан инсоний муносабатни таъминлаш;
- ҳуқуқий ҳисобдорлик ва ички назорат тизимларини кучайтириш тамойиллари белгиланган.

Шу билан бирга, БМТнинг ихтисослашган тузилмаси — United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC) — томонидан 2020 йилда нашр этилган “*Handbook on Police Accountability, Oversight and Integrity*” қўлланмаси полиция ва хавфсизлик органлари фаолиятида фуқаролик назоратини кучайтириш, оммавий ҳисобдорлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича илмий-амалий тавсияларни қамраб олган.

Ижобий илмий хулоса шундан иборатки, БМТ модели давлат хавфсизлиги соҳасида репрессив ёндашувдан воз кечиб, профилактик чораларни устувор қилиш орқали “*human security*” концепциясини илгари сурди. Бу тажриба Миллий гвардия фаолиятида ҳам жамоат хавфсизлигини инсон қадрлари ва ҳуқуқлари билан уйғунлаштирган илмий асос яратиш имконини беради.

Иккинчидан, ЕХХТнинг “*Community-Oriented Policing and Human Rights*” концепцияси ҳамда “*Guidebook on Democratic Policing*” қўлланмаси хавфсизлик тизимини фуқаролик жамияти иштирокини таъминлаган ҳолда бошқаришнинг илмий-назарий асосларини белгилайди. Унда ички хавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолиятида очиқлик, ҳисобдорлик ва демократик назорат принциплари устувор йўналиш сифатида белгиланган.

ЕХХТ Полиция миссияларининг (Босния ва Герцеговина, Косово, Тожикистон, Қирғизистон каби давлатларда) амалиёти “инсон хавфсизлиги” модели самарадорлигини исботлади. Миссиялар фуқаролик назоратини кучайтириш, полиция ҳисобдорлигини ошириш ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга қаратилган тизимли ислохотларни амалга оширди.

Ижобий натижа сифатида, ЕХХТ хавфсизлик секторида демократик бошқарув модели — яъни фуқаролар иштирокидаги хавфсизлик сиёсатини шакллантирди.

Ўзбекистон учун илмий аҳамияти шундаки, Миллий гвардия тизимида “*community policing*” (жамоага йўналтирилган полиция) усулини жорий этиш орқали аҳоли билан ишончли муносабатларни ривожлантириш, хавфсизликни таъминлашда фуқароларнинг ижтимоий масъулиятини ошириш имконияти яратилади. Бу усул жамоат хавфсизлигини таъминлашда “*participatory security governance*” моделига асосланган инновацион ёндашувни амалга оширишга замин яратади.

Учинчидан, ЕИнинг хавфсизлик соҳасидаги стратегиялари — “*EU Security Union Strategy 2020–2025*” ҳамда “*EU Action Plan on Human Rights and Democracy*” — инсон қадрлари, ҳисобдорлик ва киберхавфсизликни таъминлашни миллий ва минтақавий хавфсизлик сиёсатининг марказига қўйди.

Шу билан бирга, Европол (*Europol*) ва Евроюст (*Eurojust*) каби институтлар трансмиллий жинойтчиликка қарши ягона ахборот алмашинуви ва суд-прокуратура ҳамкорлигини йўлга қўйган бўлиб, бу интеграциялашган тизим хавфсизлик соҳасидаги маълумотлар оқимини самарали бошқариш имконини берди.

ЕИ моделининг илмий-амалий аҳамияти шундаки, у “қонунга асосланган хавфсизлик” (rule-based security) концепциясини амалга ошириб, ҳарбий ва маъмурий органлар фаолиятини фуқаролик бошқаруви билан уйғунлаштирган.

*Ўзбекистон Миллий гвардияси учун бу тажрибанинг аҳамияти* шундаки, ахборот алмашинуви ва рақамли хавфсизлик тизимларини ЕИ моделлари асосида такомиллаштириш, киберхавфсизлик бўйича махсус бўлимлар фаолиятини кенгайтириш орқали хавфсизликни таъминлашда рақамли таҳлил ва прогнозлаш имкониятларини кучайтириш мумкин.

**Тўртинчидан**, НАТОнинг *“Building Integrity Programme (BI)”* ҳамда *“Defence Education Enhancement Programme (DEEP)”* дастурлари хавфсизлик секторидида шаффоф бошқарувни йўлга қўйиш, коррупция хавфини камайитириш ва кадрлар малакасини ошириш бўйича халқаро илғор тажрибани шакллантирди.

Бу дастурлар доирасида ҳарбий ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида ахлоқий масъулият, касбий этика ва жамоатчилик билан мулоқот маданиятини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли таълимий ислохотлар амалга оширилди. Ижобий илмий хулоса сифатида, НАТО хавфсизлик моделининг марказида “инсон хавфсизлиги” ва “гендер тенглиги” принциплари туради. Бу концепциялар хавфсизлик тизимида жамиятнинг барча қатламларини, хусусан аёлларнинг фаол иштирокини таъминлаш орқали инклюзив бошқарувни амалга оширишга қаратилган.

*Ўзбекистон учун амалий аҳамияти шундаки*, Миллий гвардия тизимида гендер сиёсатини ривожлантириш, аёллар иштирокини ошириш ва фуқаролар билан мулоқот маданиятини юксалтириш орқали хавфсизлик тизимида инсонпарвар бошқарув моделини мустаҳкамлаш мумкин.

**Бешинчидан**, **Женева Хавфсизлик Сектори Бошқаруви Маркази (DCAF) томонидан ишлаб чиқилган “Security Sector Governance and Reform: Principles and Frameworks” ва “Handbook on Security Sector Oversight and Accountability” қўлланмалари хавфсизлик тизимида демократик назорат ва ҳисобдорликни таъминлашнинг илмий асосларини белгилайди.**

Марказ томонидан таклиф этилган *“accountability cycle”* модели хавфсизлик тизимида ҳисобдорликнинг қонунчилик, мониторинг, жамоат мулоқоти ва ҳисобот тайёрлашдан иборат тўрт босқичли тизимини назарда тутди. Бу модель хавфсизлик идораларини фақат давлат раҳбарияти олдида эмас, балки жамоатчилик ва парламент олдида ҳам масъул этиб белгилайди.

Ижобий илмий ютуқ сифатида, DCAF фаолияти хавфсизлик сектори бошқарувини инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги билан уйғунлаштирган илмий парадигмани яратди.

*Ўзбекистон учун аҳамияти шундаки*, Миллий гвардия тизимида парламент назорати, жамоатчилик кенгашлари ва мустақил аудит марказларини ташкил этиш DCAF модели асосида амалга оширилиши мумкин. Бу орқали жамоат хавфсизлигини таъминловчи тузилмалар фаолиятида шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлашнинг самарали институционал модели яратилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, **халқаро ташкилотларнинг хавфсизлик секторидидаги илмий ва меъёрий тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, замонавий хавфсизлик тизимининг самарадорлиги фақат ҳарбий ёки маъмурий қувват билан эмас, балки демократик назорат, инсон ҳуқуқлари ва ҳисобдор бошқарув тизими билан белгиланади.**

Шу нуқтаи назардан, БМТ, ЕХХТ, ЕИ, НАТО ва DCAF томонидан ишлаб чиқилган илмий меъёрий моделлар Миллий гвардия органларининг маъмурий амалиётини

ривожлантириш учун халқаро ҳуқуқий ва методологик асос бўлиб хизмат қилади. Улар асосида Ўзбекистон хавфсизлик тизимида “инсон хавфсизлигига йўналтирилган демократик бошқарув” моделини жорий этиш давлат барқарорлигини таъминлашнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

